

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

2 СОН, 1 ЖИЛД

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 2, ВЫПУСК 1

## LAWYER HERALD

VOLUME 2, ISSUE 1



TOSHKENT-2022

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЈАВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

- 1. БАҲРОНОВ Шерзод Холмуродович**  
НОРМА ИЖОДҚОРЛИГИДА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР ҲИСОБГА ОЛИНИШНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ ..... 8
- 2. НЕМАТОВ Жўрабек Нематиллоевич**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ МАЪМУРИЙ АКТ МИСОЛИДАГИ  
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ ..... 16
- 3. РАБИЕВ Шерзод Миржалилович, АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович**  
МАЪМУРИЙ МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “МАЪМУРИЙ  
КЎМАКЛАШ”НИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ ..... 22

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.  
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

- 4. ОКЮЛОВ Омонбой**  
“СНОСЛАР” ЖАРАЁНИДА ХАР БИР МУЛҚДОР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ  
МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ ..... 30
- 5. ГУЛЯМОВ Саид Саидахарович, БОЗАРОВ Сардор Сохибжонович**  
ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СФЕРЕ  
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ ..... 36
- 6. АЧИЛОВА Liliya Ilxomovna**  
VIRTUAL TURIZMNI TASHKIL ETISHNING HUQUQIY JIHATLARI ..... 43
- 7. МУРОТОВ Журабек Сафарович**  
ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИГА (ТОВАР, ХИЗМАТ) БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР . 50
- 8. ВОСТРИКОВА Виктория Сергеевна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна**  
ДОКТРИНА ФРУСТРАЦИИ НА ПРИМЕРЕ РЕШЕНИЯ ВЕРХОВНОГО СУДА  
СОЕДИНЕННОГО КОРОЛЕВСТВА ..... 55
- 9. АБРОРОВА Камола Саидмухторовна**  
ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕЖДУНАРОДНОГО КОММЕРЧЕСКОГО АРБИТРАЖА  
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 63

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

- 10. МАДРАҲИМОВА Гулжаҳон Рузимбой қизи**  
ЙИЛЛИК ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ  
ВА ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР  
(РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА) ..... 70

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

- 11. ИБРОҲИМОВ Жамшид Абдуғофур ўғли**  
ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 79
- 12. ВОХИДОВ Маҳкам Мубинович**  
ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ВОССТАНОВЛЕНИЯ  
НАРУШЕННЫХ ПРАВ ЖЕРТВ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И ЗЛУПОТРЕБЛЕНИЯ ВЛАСТЬЮ В  
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 86

|  |    |
|--|----|
| <b>13. ИСЛОМОВ Бунёд Очилович</b><br>ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, СМЯГЧАЮЩИЕ НАКАЗАНИЕ И ИСКЛЮЧАЮЩИЕ<br>ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ ПО УГОЛОВНОМУ КОДЕКСУ РЕСПУБЛИКИ БОЛГАРИЯ<br>(СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ) ..... | 92 |
|--|----|

|   |    |
|---|----|
| <b>14. БОЙДЕДАЕВ Садирдин Абдусатторович</b><br>КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ ..... | 99 |
|---|----|

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА,  
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

|   |     |
|---|-----|
| <b>15. АБДУЛЛАЕВ Рустам Кахраманович</b><br>ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК<br>ТАЪМИНОТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ ..... | 107 |
|---|-----|

|   |     |
|---|-----|
| <b>16. ЧУРЯКОВ Эркин Ибрагимович</b><br>СУД-БАЛЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАСИДА ЭКСПЕРТ ЭКСПЕРИМЕНТИНИНГ ЎРНИ ..... | 114 |
|---|-----|

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

|  |     |
|--|-----|
| <b>17. РАХМАНОВ Шухрат Наимович</b><br>ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА МИГРАЦИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ<br>ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ..... | 119 |
|--|-----|

|   |     |
|---|-----|
| <b>18. USMANOVA Surayo</b><br>YEVROPA ITTIFOQIDA TURIZM: OMMAVIY HUQUQIY JIHATLARI TANLILI..... | 126 |
|---|-----|

|  |     |
|--|-----|
| <b>19. ХАМДАМОВА Фируза</b><br>ПРАВОВОЙ СТАТУС РОБОТОВ В МЕЖДУНАРОДНОМ ГУМАНИТАРНОМ ПРАВЕ..... | 131 |
|--|-----|

|  |     |
|--|-----|
| <b>20. КАРИМОВ Оятилло Халимович</b><br>ПОНЯТИЙНЫЙ АНАЛИЗ ЭКСТРАДИЦИИ В МЕЖДУНАРОДНОМ И<br>НАЦИОНАЛЬНОМ ПРАВЕ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ..... | 135 |
|--|-----|

|  |     |
|--|-----|
| <b>21. АЪЗАМХУЖАЕВ Умидхон Шавкат угли</b><br>МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ТРАНСПОРТНО-КОММУНИКАЦИОННЫХ<br>СВЯЗЕЙ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЕВРОПЫ..... | 141 |
|--|-----|

|   |     |
|---|-----|
| <b>22. ОЧИЛОВ Шермат Рашидович</b><br>ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ<br>ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ..... | 149 |
|---|-----|

|  |     |
|--|-----|
| <b>23. САЛИЕВА Шахсанем Уснатдиновна</b><br>ФОРМИРОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ ..... | 154 |
|--|-----|

|   |     |
|---|-----|
| <b>24. МИРЗАМУРОДОВ Шохрух Олимович</b><br>МЕЖДУНАРОДНОЕ ДОГОВОРНО-ПРАВОВОЕ ЗАКРЕПЛЕНИЕ<br>РЕГИОНАЛЬНОЙ ИНТЕГРАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНО И ЮЖНОАЗИТСКОМ<br>МАКРОРЕГИОНЕ В РАМКАХ ШОС ..... | 161 |
|---|-----|

**ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

|   |     |
|---|-----|
| <b>25. NAITO Shintaro</b><br>OVERVIEW OF DRAFTING LEGISLATIVE BILLS IN JAPAN—FOCUSING ON AVOIDING<br>INCONSISTENCY IN LAWS..... | 169 |
|---|-----|

|   |     |
|---|-----|
| <b>26. ТОЖИЕВ Фурқат Шомуродович</b><br>ЮРИДИҚ ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ<br>НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА ..... | 184 |
|---|-----|

|   |     |
|---|-----|
| <b>27. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиёрович</b><br>ОСНОВНЫЕ НОВЕЛЛЫ ИНВЕСТИЦИОННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА<br>НОВОГО УЗБЕКИСТАНА ..... | 190 |
|---|-----|

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**МУРОТОВ Журабек Сафарович**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристлар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси  
E-mail: jsmurotov@gmail.com

## ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИГА (ТОВАР, ХИЗМАТ) БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** Муротов Ж.С. Индивидуаллаштириш воситаларига (товар, хизмат) бўлган ҳуқуқлар // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2022) Б. 50-54.

 2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-2-7>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада индивидуаллаштириш воситаларига (товар, хизмат) бўлган ҳуқуқлар, интернетнинг глобаллашуви ва электрон тижоратнинг кенг тарқалиб бораётганлиги, қонунчилигимизда мавжуд бўлган индивидуаллаштириш воситалари ҳақида тўхталиб ўтилган ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари борасида сўз юритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қончилиги бўйича товар келиб чиққан жой номи ва товар белгилари ўхшашликлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** фирма номлари, шахсийлаштириш, интеллектуал мулк натижалари, давлат рўйхатидан ўтказиш, домен номлари.

**МУРОТОВ Журабек Сафарович**

Старший преподаватель Центра повышения квалификации юристов  
при Министерстве юстиции Республики Узбекистан  
E-mail: jsmurotov@gmail.com

## ПРАВА НА СРЕДСТВА ИНДИВИДУАЛИЗАЦИИ (ТОВАРЫ, УСЛУГИ)

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются права на средства индивидуализации (товары, услуги), глобализация сети Интернет и распространение электронной коммерции, имеющиеся в нашем законодательстве средства индивидуализации, их особенности. Также, анализированы наименования мест происхождения товаров и товарных знаков согласно законодательству Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** фирменное наименование, индивидуализация, результаты интеллектуальной собственности, государственная регистрация, имена доменов.

**MUROTOV Jurabek**

Senior teacher at the Lawyers' Training Center under the  
Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: jsmurotov@gmail.com

## RIGHTS FOR INDIVIDUALIZATION TOOLS (GOODS AND SERVICES)

## ANNOTATION

The article highlights the similarities and differences between domain names and individualization tools, as well as the growing number of problems between domain names and individualization tools due to the globalization of the Internet and the proliferation of e-commerce. The article highlights right to means of individualization (goods, services), globalization of the Internet and the spread of electronic commerce, legal means of individualization according to our legislation and its specificities. Also, analyzed legislation of Republic of Uzbekistan on names of places of origin of goods and trade marks.

**Keywords:** Legal name, individualization, results of intellectual property, state registration, domain names.

Маълумки, фуқаролик муомаласида турли-туман субъектлар иштирок этади, айти вақда, муомалада хилма-хил маҳсулотлар ва хизматлар ҳам ҳаракатда бўлади. Ф.Амиркулов таъкидлаганидек, “Мана шундай шароитда субъектлар, улар ишлаб чиқарган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар алоҳида фарқлаш белгиларига эга бўлиши шарт, акс ҳолда, турли англашилмовчилик, қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Ана шундай фарқлаш белгилари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ўзларини уларнинг ишлаб чиқарган товарлари, бажарадиган ишлари ва кўрсатиладиган хизматларининг индивидуал белгиларини акс эттирувчи воситалар бўлиб ҳисобланади” [1, Б.66].

О.Окюлов таъкидлаганидек “...Мана шундай шароитда субъектлар, улар ишлаб чиқарган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар алоҳида фарқлаш белгиларига эга бўлиши шарт, акс ҳолда, турли англашилмовчилик, қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Ана шундай фарқлаш белгилари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ўзларини, уларнинг ишлаб чиқарган товарлари, бажарадиган ишлари ва кўрсатиладиган хизматларининг хусусий аломатларини (индивидуал белгиларини) акс эттирувчи воситалар бўлиб ҳисобланади. Бундай алоҳида фарқлаш белгиларининг қуйидаги турлари мавжуд:

фирма номлари;  
товар (хизмат кўрсатиш) белгилари;  
товар чиқарилган жой номи” [2, Б.12].

Индивидуаллаштириш воситалари юридик шахсларни ўзаро фарқларининг ўзига хос хусусиятларни яратишга хизмат қилади, бунинг натижасида истеъмолчилар ва бозор иқтисодиётининг бошқа иштирокчилари ушбу маҳсулот ёки хизмат бошқалар томонидан эмас, балки айнан шу ишлаб чиқарувчи томонидан кўрсатилишини аниқлашлари мумкин. Ушбу маълумот ўзининг барқарор мазмунини сақлаб туриши керак, акс ҳолда нотўғри қарор қабул қилиш хавфи мавжуд. Индивидуаллаштириш воситаларининг бир нечта турлари (ёки объектлари) мавжуд бўлиб, улар учун қонун билан маълум талаблар белгиланган.

Индивидуаллаштириш воситалари моҳиятан ишлаб чиқарувчилар, товарлар ва хизматлар ҳақида маълумот беришга хизмат қилувчи маркетинг белгиларидир. Шунинг учун ишлаб чиқарувчилар асосий функцияларини тўлиқ бажариш учун улар ҳуқуқий ҳимояга эга бўлиши керак.

Мазкур индивидуаллаштириш воситаларининг ўзига хос хусусиятлар ҳақида қуйидагиларни таъкидлаш муҳим.

Индивидуаллаштириш воситалари бир-биридан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади:

- Мутлоқ ҳуқуқларнинг пайдо бўлишининг турли тартиби ва асослари, хусусан товар белгиси ва товар чиқарилган жой номи учун улар фақат рўйхатдан ўтгандан кейин, фирма номи учун - юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига юридик шахс тўғрисидаги маълумотларни киритиш билан.

- Бир хил ифода усулига эга эмаслиги, масалан, товар белгиси тасвирлар, сўзлар,

муайян шакл тарзида бўлиши мумкин, фирма номлари эса фақат сўзли бўлиши мумкин.

- Ҳуқуқий ҳимоянинг турли муддатлари кабилар билан бир биридан фарқланади.

Индивидуаллаштириш воситалари моҳиятан тижорат муомаласидаги реал объектларни алмаштириш учун қўлланилганлиги сабабли, уларни ҳимоя қилишнинг асосий шarti ўзига хос хусусиятларнинг мавжудлиги бўлиб, бунинг натижасида уларни бир хил (ёки ўхшаш) белгиланган товарлар ва хизматлардан ажратиш мумкин. Шунинг учун муаллифлик ҳуқуқи эгалари энг фойдали, осон эслаб қолинадиган ва ижобий қабул қилинадиган белгиларни танлашлари керак.

Жумладан, кўпгина мутахассисларнинг фикрига кўра, истеъмолчилар орасида энг кенг тарқалган ва энг яхши қабул қилинадиган товар белгиларига сўзли ва аралаш (сўзли ва тасвирий қисмларни бирлаштирган) товар белгиларидир. Уларни эслаб қолиш ва кўпайтириш осон, бу уларнинг тарғиботига ҳисса қўшади. Жаҳон амалиётида сўзли белгилар барча белгиларнинг 80% ни ташкил қилади. Шу билан бирга, табиий тилдаги сўзлар ҳам (масалан, “Apple”) ҳеч қандай маънога эга бўлмаган хаёлий сўзлар ҳам рўйхатга олиниши мумкин, мисол учун «Kodak», «Херох» ва «Coca-Cola» каби таниқли брендлар киради.

**Фирма номлари.** Фуқаролик муомаласига киришиш учун юридик шахслар ўз фирма номи остида ҳаракат қилишлари керак. У ташкилотнинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган ва юридик шахсларнинг Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига киритилган бўлиши лозим.

Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

“Юридик шахс тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган фирма номига ҳам эга бўлиши мумкин.

Юридик шахснинг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилиши керак.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда фирма номида юридик шахс фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши керак” [3].

Фирма номини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари мавжуд:

- Белгиланишнинг ўзига хос қисми фақат фирманинг фаолият турини кўрсатадиган сўзларни ўз ичига олмайди (масалан, “Компрессор заводи” МЧЖ);
- Мутлоқ ҳуқуқларни шартнома тузиш орқали ёки бегоналаштириш йўли билан бериш мумкин эмас, яъни бошқа юридик шахслар мазкур фирма номидан фойдалана олмайдилар;
- Номланиш ҳар қандай тилда ёзилиши мумкин;
- Ҳар бир юридик шахс фақат битта фирма номига эга бўлиши мумкин (қисқартирилган ва тўлиқ шаклда);
- Фақат тижорат ташкилотлар фирма номига эга бўлишлари мумкин.

Айтиш жоизки, Давлат хизматлари марказида рўйхатдан ўтказилганда, фирма номининг ўхшашлиги текширилади агарда базада ўхшаш ном мавжуд бўлса, база автоматик равишда бундай номни ўтказмайди, шунинг учун номларнинг такрорланиши мумкин эмас.

Бу эса ўз навбатида истеъмолчи онгида ишлаб чиқарувчи ва маҳсулот сифати ҳақидаги маълумотларнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни истисно қилади.

**Товар белгилари.** Товар белгиси бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилар эканлиги қонунчилик ҳужжатларида белгилаб ўтилган.

Шунингдек, товар белгилари якка тартибдаги ва жамоавий бўлиши мумкин.

Алоҳида юридик ёки жисмоний шахсга тегишли товар белгиси якка тартибдаги белги ҳисобланади.

Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар бирлашмасининг улар томонидан ишлаб чиқариладиган ва (ёки) реализация қилинадиган, бир хил сифатга ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлган товарларини белгилаш учун мўлжалланган товар белгиси жамоавий белги ҳисобланади.

Тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида

рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар белгилари қуйидаги ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади:

– ифода шакли сўзли бўлиши мумкин, турли тилларда (рақамлар, қисқартмалар ва бошқа белгиларга ҳам рухсат берилади), тасвирли (рангли ва оқ-қора белгилар), уч ўлчамли, комбинацияланган, товушли, баъзи мамлакатларда ҳид ва ёруғлик белгилари ҳам ишлатилади.

– бир юридик ёки жисмоний шахс ўз номига бир нечта товар белгиларини рўйхатдан ўтказиши мумкин.

– ҳуқуқий ҳимояни олиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Интеллектуал мулк агенлигида рўйхатдан ўтказиш талаб қилинади, белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади ва белгининг ўзи давлат реестрига киритилади.

– Интеллектуал мулк агенлигида текшириш ўтказилаётганда товар белгисининг ўхшашлиги экспертлар томонидан истисно қилинади. Товар белгисига доир гувоҳнома талабнома берилган санадан эътиборан 10 йил мобайнида амал қилади.

– Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси амал қилган охириги уч йил мобайнида ундан узлуксиз равишда фойдаланилмаганда, шунингдек жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув бузилган тақдирда манфаатдор шахснинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкинлиги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки товар белгиси фирма номи билан бир хил бўлиши мумкин. Бироқ кейинчалик бу масалани томонлар ўзаро келишган ҳолда ёки суд тартибида бартараф қилишлари мумкин. Бу масалада муаммо келиб чиқишига сабаб фирма номлари базаси билан Интеллектуал мулк агентлиги базаси интеграциялаштирилман ва натижада шундай зиддиятлар вужудга келади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, ўзганинг товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача яъни 1 350 000 сўмдан 2 700 000 сўмгача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача яъни 2 700 000 сўмдан 5 400 000 сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади [4].

Индивидуаллаштириш воситаларидан яна бири **товар келиб чиққан жой номи**. “Мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий объектнинг товарни белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган номи товар келиб чиққан жой номи деб эътироф этилади” [5].

Товар келиб чиққан жой номи ва товар белгилари қуйидаги ўхшашликларга эга:

– Ҳар иккаласи ҳам Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтган бўлиши керак;

– Ҳар иккаласи давлат реестрига киритилади ва ҳуқуқ эгасига мулкдорнинг мутлақ ҳуқуқларини тасдиқловчи гувоҳнома берилади.

– Товар белгисига доир гувоҳнома талабнома берилган санадан эътиборан 10 йил мобайнида амал қилади.

Товар келиб чиққан жой номи ва товар белгиларига доир гувоҳноманинг амал қилиш муддати гувоҳнома амал қилаётган охириги йил мобайнида унинг эгаси томонидан берилган аризага биноан ҳар сафар 10 йилга узайтирилиши мумкин.

Ушбу шахсийлаштириш воситасининг асосий хусусиятларидан бири бу товар келиб чиққан жой номига мутлақ ҳуқуқлар бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас.

Индивидуаллаштириш воситалари сифатида яна бири бу домен номлари ҳисоблансада қонунчилигимизда бу масала тартибга солилмаган. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан домен номларига берилган таърифга кўра, домен номлари – бу ҳарф ёки рақамлар бирикмаси, браузерда терилиб, керакли сайтга ўтиш имконини берувчи манзил ҳамда интернет манзилларнинг инсонлар учун қулай шакллари дир ва улар, одатда, веб саҳифаларни топишда фойдаланилади [6].

Бизга маълумки ҳар қандай жисмоний ва юридик шахс миллати ва яшаш жойидан

қатъи назар, “UZ” доменидаги домен номини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи домен номини мустақил танлайди ва домен номини танлаш ҳамда домен номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда учинчи шахс ҳуқуқларининг мумкин бўлган бузилишлари учун, шунингдек бундай бузилишлар билан боғлиқ зарарлар хавфи учун жавобгар бўлиши қонунчиликда белгиланган [7]. Соддароқ қилиб айтганда, домен номлари эслаб қолиш қийин бўлган IP манзилни ўз ичига олувчи рақамлар қаторини белгилаш учун зарур. Масалан, “sina.com.cn” домени Хитой Халқ Республикаси янгиликлар веб саҳифаси <https://www.sina.com.cn> ни жойлаштириш учун хизмат қилади.

Айтиш жоизки Ш.Алмосованинг “Домен номлари ва индивидуаллаштириш воситалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва улардан фойдаланишда муаммоли ҳолатлар таҳлили” номли мақоласида кўрсатиб ўтганидек... домен номлари интернетда фирма номлари ёки товар белгиларини ҳам идентификация қилиш мақсадида ишлатилади. Айнан шу жиҳати домен номлари ва фирма номлари ёхуд товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларидан фойдаланишда юзага келадиган муаммоли ҳолатларга ҳам сабаб бўлмоқда” [8]. Ҳақиқатан ҳам Ш.Алмосованинг фикрини қўллаб таъкидлаш жоизки, бугунги кунда бу муаммо бор, бунинг сабаби шундаки фирма номлари ёки бошқа индивидуаллаштириш воситаларининг ягона базаси мавжуд эмас, улар алоҳида бўлиб бир-бирига интеграциялаштирилмаган.

Баён этилганларга асосан, товар белгиларини рўйхатдан ўтказганда агарда бу сўзли товар белгиси бўлса ҳамда худду шундай номли фирма номи рўйхатдан ўтказилган бўлса, товар белгисини рўйхатдан ўтказувчи бундай номли товар белгисини рўйхатдан ўтказмаслиги лозим. Афсуски амалиётда бир хил номли товар белгиси, фирма номлари ҳамда домен номлари рўйхатдан ўтяти ва натижада бундай номларнинг эгалари ўртасида низолар юзага келяпти.

Шуларни инобатга олиб бу масалада илғор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, бу борадаги масалалар уларнинг қонунчилигида қандай ечим топганлигини ўрганиб миллий қонунчилигимизга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўли билан бу масалани бартараф этиш лозим.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. Ф.Амиркулов. “Товар белгиларининг фуқаровий-ҳуқуқий ҳимояси” // Интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунчилигини такомиллаштириш: назария ва амалиёт муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: Юристар малакасини ошириш маркази. // <http://uzmarkaz.uz/uploads/2021/05/anzumantuplamitellktual25052021.pdf>

2. Омон Окюлов. Интеллектуал мулк ҳуқуқи. И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. Тошкент, 2005 йил, 40 бет. // [https://ziyouz.com/books/kollej\\_va\\_otm\\_darsliklari/huquq/Intellectual%20mulk%20huquqi%20\(O.Oqyulov\).pdf](https://ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Intellectual%20mulk%20huquqi%20(O.Oqyulov).pdf)

3. Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”ги 2006 йил 18 сентябрдаги Қонуни // <https://lex.uz/docs/1055517>

4. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекси. 1995 йил 1 апрель, 177-моддаси // <https://lex.uz/docs/97664>

5. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги 2001 йил 30 августдаги Қонуни // <https://lex.uz/docs/24925>

6. Domain Name Dispute Resolution // <https://www.wipo.int/amc/en/domains/>

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 23 июнда 1830-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2008 йил 26 майдаги 155-сон буйруғи билан тасдиқланган “UZ” доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом” // <https://lex.uz/docs/1368177>

8. АЛМОСОВА Ш. Домен номлари ва индивидуаллаштириш воситалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва улардан фойдаланишда муаммоли ҳолатлар таҳлили // Юрист ахборотномаси. – 2020. – Т. 1. – №. 6. – С. 81-85 // <https://www.yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/145>